

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ШЕРТАЙЛАҚОВ ҒАЙРАТ МУРАДОВИЧ

**МАКТАБДА ФИЗИКАДАН НОСТАНДАРТ
ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ЎҚУВЧИ
КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Шертайлаков Гайрат Мурадович

Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи
креатив фаолиятини ривожлантириш.....3

Шертайлаков Гайрат Мурадович

Развитие креативной деятельности ученика при выполнении нестандартной
лабораторной работы по физике в школе.....21

Shertaylakov Gayrat Murodovich

Methods of doing non-standard laboratory works at school physics teaching
(in the examples).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ШЕРТАЙЛАҚОВ ҒАЙРАТ МУРАДОВИЧ

**МАКТАБДА ФИЗИКАДАН НОСТАНДАРТ
ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ЎҚУВЧИ
КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped 665 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cdpi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маҳмудов Юсуп Ганиевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эшчанов Баходир Худойберганович**
физика-математика фанлари доктори, доцент.

Мирзахмад Қурбонов
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021. Ped.82.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104 –уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-27-55; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104 –уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712 -45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” ___ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ кунидаги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п. ф. д.

Д.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XXI аср жаҳон миқёсида барқарор таълим тараққиётини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланган¹. Мазкур концепциянинг таълим, фан ва маданият масалаларига мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш, таълим олувчиларнинг креатив фикрлаш ва яратувчанлик қобилиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда физика ўқитувчиси тафаккурини такомиллаштириш орқали ўқувчида креатив фаолиятни ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини фаоллаштиришнинг инновацион таълим методларини ишлаб чиқиш физика ўқитишнинг асосий муаммоларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунда ўқувчи креатив фаолияти мотивацияси, ташхислаш ва ихтирочилик, технологик хариталаш ва бошқариш, визуал моделлаштириш (Visual Simulation), ўз-ўзини фаоллаштириш, мобиллик, ижобий “Мен-Концепцияси” (I-conception), янги маълумотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш каби когнитив ва рефлексив қобилиятларни шакллантириш жараёнида замонавий дидактик восита ва принциплар, электрон-ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш интегратив техник билими кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлашнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини белгилаш, педагогик таълим соҳасини такомиллаштириш орқали ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш, янгича фикрловчи, мустақил фаолият юрита оладиган, физика фани ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш борасида самарали яхшилаш амалга оширилмоқда. Жумладан, физика ўқитишга қаратилган инновацион ёндашувлар, мультимедиа таълими ва ностандарт лаборатория ишларини бажаришни жорий этиш имкониятлари кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлларида давом эттириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш, таълим тизими сифати ва самарадорлигини ошириш” каби устувор вазифалар белгиланган. Бу вазифаларнинг ижроси мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May 2015, Incheon, Republic of Korea).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

креатив фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва уларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришга оид тадқиқот ишлари хорижлик физик олимлардан L.John (Юнеско), R.K.Thornton (Америка), R.K. Nake (Англия), F.Reif (Америка), M.St.John (Америка) ва R. Вруантлар (Англия) томонидан амалга оширилган.

МДХ давлатлари олимлари В.А.Фабрикант, В.Г.Разумовский, В.В.Мултановский, Э.Е.Эвенчик, Н.А.Родина, А.Б.Айнбиндер, А.В.Усова, А.И.Бугаев, С.Я. Шамаш ва А.К. Кикоин физика ўқитишда ўқувчининг креатив фаолиятини ривожлантиришга доир илмий изланишларни олиб борганлар.

Мамлакатимиз олимларидан Б.М.Мирзахмедов, Ю.Ф.Маҳмудов, С.Маҳмудова, Н.Турдиев, М.Жораев, Ш.М.Камолхўжаев, Г.Карлыбаева, Ю.Пўлатов, С.Қ.Қаҳҳоров, М.Қурбонов, Ҳ.Жўраев, Н.М.Шахмаев ва бошқалар томонидан физикадаги стандарт лаборатория ишларининг методик функцияларини кенгайтиришга бағишланган тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса-да, лекин мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш масаласи педагогик муаммо сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти илмий-тадқиқотлар режасининг АИФ ¼ -рақамли Жаҳон банки академик инновацион фонди грант лойиҳасининг “Касбга йўналтирилган маркази”да (2018-2019 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш мазмуни ва ўқитиш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш бўйича фалсафий, психологик, педагогик, методик ва дидактик адабиётларни таҳлил қилиш;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришга доир нашр этилган методик қўлланма ва тавсиялар ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш компетенциясига мослаштирилган ҳолда такомиллаштириш;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини яратиш;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари ёрдамида таълим сифати ва самарадорлигини, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба–синов ишларига Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги 10 та умумтаълим мактабларидан 607 нафар ўқувчи жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш шакл, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, савол-жавоб, тажриба–синов, педагогик мониторинг, машғулотларни кузатиш, ўқувчи ва педагоглар билан суҳбатлашиш, суҳбат натижалари математик статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ностандарт лаборатория ишларини бажаришда физика ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг (фаолиятли, инновацион, ностандарт лаборатория ишларини бажариш) ташкилий–тузилмавий компонентларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари физика фанини амалиётга йўналтириб ўқитишда имитацион технологиялар (дебат, тренинг ва тўғарак машғулотлари)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш компетенциялари тадқиқотчининг ўқув ва методик қўлланмалари асосида (физика фанига мотивация ҳосил қилдириш, ўқувчи фаолиятини креатив ривожлантиришга имкон берувчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, физика ўқитишда қўшимча ностандарт лаборатория ишларини бажариш) ривожлантирилган;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш тизимли-функционал моделининг ташкилий-методик компоненти сифатида инновацион ўқитишнинг коллоборатив (гурухий мунозаралар, ҳамкорликда ўрганиш, индивидуал, гуруҳларга бўлиниб ностандарт лаборатория ишларини бажариш), когнитив, физика ўқитиш фаолиятига шахсий муносабатни акс эттирувчи ҳиссий (физика фанига

қизиқиш ва эҳтиёжни ошириш) муносабатни қарор топтириш асосида аниқланган;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришга қаратилган психологик, педагогик, креатив, дидактик, технологик, интегратив топшириқларни бажариш методларини (вариантларни танлаш ва уларни моделлаштириш) қўллаш, интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш ва дидактик воситалар (муаммоли лаборатория иши ва ностандарт лаборатория ишларини бажариш) асосида ривожлантиришга оид тажриба-синов натижалари таҳлиliga биноан хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришга оид тавсиялар ва “Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси”, “Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари” каби ўқув-методик қўлланмалар ва “Ўлчашларнинг физикавий асослари” номли ўқув қўлланма нашр этилган ва амалиётга жорий қилинган;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришни ривожлантириш даража, мезон ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий таълим технология-ларидан “Зинама-зина”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Бумеранг”, “АЖИЛ”, “АКВАРИУМ” ва “Ақлий хужум” каби методлар ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги

Республикамиз ва халқаро миқёсидаги илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, илмий-методик таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, ностандарт лаборатория ишларига оид ўқув материалларининг нашр қилинганлиги, таълим жараёнига татбиқ этилганлиги, тадқиқот натижаларини Ўзбекистон Республикасининг кўпгина ўрта умумтаълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физика ўқитувчисининг дарс ва тўғарак машғулотларида ностандарт лаборатория ишларини бажаришга хизмат қиладиган дидактик восита ва тамойиллар, замонавий методларнинг таълим сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этилганлиги, физика ўқитиш жараёнининг инновацион таълим технологиялари асосида ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришни ривожлантириш бўйича меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур мавзу асосида таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат таълим стандартини такомиллаштиришга оид қўшимчалар киритиш, физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ностандарт лаборатория ишларини бажаришда физика ўқитувчилари касбий тайёргарликларининг ташкилий–тузилмавий компонентларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари ва ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда унинг физика фани бўйича компетенциялари таркиби, физик ҳодиса ва жараёнларни кузатиш, тушуниш, ностандарт лаборатория ишларини бажариш ҳолатига оид элементлар бўйича таклифлар ЖДПИ А1-ХТ-0-14297-рақамли “Ахборот –коммуникацион таълим муҳитида физика-математикани ўқитишни ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини яратиш” амалий лойиҳасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЖДПИ 2020 йил 1 февраль 04-69-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабида физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолияти ривожлантирилган;

ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришнинг дарсдан ташқари шакллари, интерфаол ёндашувларга кўра, лойиҳалаш жараёнлари, фанга оид умумий компетенцияларни шакллантиришда дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар, ўқув фаолиятини жадаллаштирувчи таълим технологияларига оид тавсиялар Жиззах политехника институтида АИФ ¼ -рақамли Жаҳон банки академик инновацион фонди грант лойиҳасининг “Касбга йўналтирилган маркази”да (2018-2019 йй.) ижобий қўлланилган. Мазкур лойиҳа умумтаълим тизимида компетенциявий ёндашувнинг амалиётга жорий этилишида амалий лойиҳа сифатида хизмат қилган;

физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш, тизимли-функционал моделининг ташкилий-методик компоненти сифатида инновацион ўқитишнинг ўқув–методик таъминоти, ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятини яратувчи физик билимларни ривожлантиришнинг интерфаол технологиясига оид таклиф ва тавсиялардан “Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси” номли ўқув-методик қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 декабрдаги 89-03-

4676-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув- методик қўлланма умумтаълим мактаб ўқувчиларида креатив фаолиятни ривожлантиришга эришилган;

ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришнинг психологик-педагогик аспектлари ва физика фанига оид компетенциялар физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб–ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқотчи томонидан “Ўлчашларнинг физикавий асослари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-т-065 рақамли гувоҳномаси). Натижада, физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш орқали ўқувчи креатив фаолияти ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 20 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари тадқиқотчининг республика ва халқаро илмий журналлардаги 10 та мақолаларида ҳамда 20 та халқаро ва республика миқёсидаги конференциялар материалларида ўз аксини топган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг вазифалари, мақсади, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг оммалаштирилганлиги ёритилган.

Диссертациянинг “**Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш (НЛИБ) ҳолати; физикадан ностандарт лаборатория ишларини танлаш ва уларни бажаришда дидактик принциплар; физикадан НЛИБда ўқувчи психологик хусусиятлари баён қилинган.

Физика таълимида ўқувчи мустақил фикрлаши учун ностандарт лаборатория ишларини бажариш орқали назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш лозим.

Фан-техника тараққиёти даврида ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш муаммоси ижтимоий, иқтисодий аҳамият касб этгани ҳолда, мактаб ўқувчисининг креатив фаолиятини такомиллаштиришда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш аҳамиятга эга бўлиб, физика ўқув фани сифатида қулай шароит яратиб бериш имкониятига эга.

Ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш физика таълими мазмунида биринчи ўринда туради. Шунингдек, ўқув материалининг тузилиши ва уни баён этиш методлари катта аҳамиятга эга. Агар ўқувчини фақат янги физик қонунлар билан таништириш лозим бўлса, тайёр назарий хулосаларни беришнинг ўзи кифоя бўлади. Ўқувчини фақат хабардор қилиш эмас, балки ўқитиш жараёнида унинг креатив фаолиятини ривожлантириш масаласи кўйиладиган бўлса, у ҳолда ўрганилаётган физик қонуниятлар қайси фактлар асосида юзага келиши ва назария тўғрилигининг тажриба ёрдамида тасдиқланганлигини тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш учун уларга билим савиясига мос келадиган НЛИБга оид топшириқлар бериб бориш талаб қилинади. Ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда, дастлабки физика фани бошланишидан тайёрлаб борилса, натижа шунча самарали бўлади. Шу мақсадда физика бўйича НЛИБга доир топшириқларни VI синфдан бошлаб бериб борилиши керак. Ўқувчи томонидан ўқув жараёнида бажариладиган НЛИБнинг мазмун-моҳияти жиҳатидан турлича бўлиши мумкин.

Юқори синфларда ностандарт лаборатория ишларининг мазмуни ва уларни бажариш тартиби мураккаблашиб боради. Шу боис учун ўқувчилар томонидан бажариладиган НЛИБ ва ишларнинг мураккаблашиб бориш кетма-кетлигида ўрганиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Ўқувчи томонидан физикадан НЛИБнинг мураккаблашиб борилиши куйида мантикий кетма-кетлиги ва изчиллиги асосида кўриб чиқилди:

1. Тажриба ва кузатишларга асосланиб, газсимон, суюқ ва қаттиқ моддаларнинг хоссаларига доир НЛИБ.

2. Фикрлаш йўли билан кузатиш лозим бўлган ҳодисани олдиндан айтиб бериш. Масалан, сувнинг температураси юқори бўлганда диффузия ҳодисаси қандай тезликда рўй беради? Нима учун? Уни тажриба йўли билан қандай тасдиқлаш мумкин?

3. “Нима учун?”, “Нима қилиш керак?”, “Қандай қилиб?”, “Қайси қонунга асосан?” каби саволларга жавоб излаш. Масалан: “Қандай қилиб иссиқлик двигателларининг ФИКни ошириш мумкин?”, “Электростанцияда ҳосил қилинган электр энергиясини исроф қилмасдан истеъмолчига етказиш учун нима қилиш керак?”

4. Автоматик қурилмаларнинг схемаларини чизиш. Масалан, “Буюмларни автоматик синовчи қурилма”, “Электрон қоровул”.

Ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш учун ўқитувчи физикадан НЛИБ жараёнида муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, уларни бажаришга ўқувчини жалб қилиб бориши керак.

Мактабда физикадан ўқув дастурида ажратилган дарс соатлари қисқариб бормоқда. Лекин ўқувчиларга берилиши лозим бўлган маълумотлар миқдори эса кескин ортиб бормоқда. Демак, мазкур муаммони ҳисобга олганда, қисқа вақт ичида ўқувчига қандай қилиб кўпроқ маълумот бериш мумкин? деган савол туғилиши табиий.

Бу муаммони ҳал этишда қуйидаги асослардан фойдаланилди:

1. Ўқитиш тизимини генерализациялаш, яъни асосий ғоялар (қонунлар, назариялар ва фикрлар) атрофида иккинчи даражали ғояларни бирлаштириш йўли билан ўқувчиларга фан асосларини ўргатиш.

2. Ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда асосий эътиборни унга билим беришга эмас, балки уни мустақил таълим олишга ўргатишга йўналтириш. Ўқувчи физика фани бўйича ўз билиминини мустақил ҳолда ошириб бориши, асосий эътиборни 45 минутлик дарсдан унумли ва самарали фойдаланишга қаратиш.

3. Ўқувчининг синфдан ташқари машғулотлар (тўғарак, конференция, ўтқир зехнлилар мушоираси, экскурсиялар)дан унумли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Диссертациянинг “**Мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида физикадан НЛИБда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш мазмуни, материалларни танлаш принциплари ва ўқувчи креатив фаолияти даврийлиги баён этилган.

Ўқувчи креатив фаолияти–унинг руҳий, ақлий ва жисмоний салоҳиятини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашни, ўқувчи креатив фаолияти қирраларини назарий билим билан тўлдириб бориш, яъни билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқни ривожлантиришни талаб этади. Шунингдек, ўқувчини креатив фаолиятга тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён ҳисобланиб, у қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Биринчи босқич. Ўқувчини креатив фаолиятга психологик жиҳатдан тайёргарлик босқичи.

Иккинчи босқич. Ўқувчида психология, педагогика, дидактика ва методикага оид назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш босқичи.

Шунингдек, физикадан НЛИБда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш индикаторлари; мактабда физикадан ностандарт лаборатория ишлари мазмуни ва уларни танлаш принциплари; “Механика”, “Молекуляр физика”, “Электродинамика ва электромагнетизм”, “Оптика” ва “Атом ва ядро физикаси” бўлимларидан 20 та НЛИБ методикаси баён этилган. Мисол тариқасида:

1. Физика фанининг механика бўлимига оид ностандарт лаборатория иши:


Мавзу: Тезланиш билан ҳаракатланаётган жисмнинг оғирлигини аниқлаш.

Ишнинг мақсади: тезланиш билан ҳаракатланаётган жисмнинг оғирлигини аниқлаш.

Тезланиш билан ҳаракатланаётган жисм оғирлигининг ўзгаришини кўрсатувчи қурилма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қурилма ёрдамида тезланиш билан ҳаракатланаётган жисм оғирлигининг ортиши ва иккинчи қурилма ёрдамида тезланиш билан ҳаракатланаётган жисм оғирлигининг камайиши кўрсатилади.

Қурилмани ясаш тартиби: 1. Тахтадан узунлиги 50 см, баландлиги 15 см бўлган “Г” шаклида асос (1) тайёрланади. 2. Зарур ўлчамли пластмасса тасма (2) қирқиб олинади. Пластмасса тасма шундай эгиладики, унда радиуси 8-10 см бўлган ботиқ ва қавариқ сирт ҳосил қилинади. 3. Пластмасса тасманинг сиртида металл ғалтак (3) ҳаракатланади. 4. Қурилманинг электр схемаси йиғилади. Энг аввало, қурилманинг С нуктасига контактлар (4) ўрнатилиб контактларнинг бири пластмасса тасмага, иккинчиси тахта асосга ўрнатилади. Контактлар орасидаги масофа тахминан 2-3 мм бўлиб, қурилмани ишлатиш вақтида созланади. Сўнгра бу контактларга кетма-кет равишда электр лампочкаси, ток манбаи ва калит уланади.


Қурилманинг ишлаш режими: жисм (яъни металл ғалтак) пластмасса тасманинг ботиқ сиртида (С нуктада) тинч турган вақтда унинг оғирлиги контактларни улаш учун етарли бўлмайди, натижада, лампочка ёнмайди. Жисм шу эгри сирт орқали тезлик билан ҳаракатланаётган вақтда марказга интилма тезланиш ҳосил бўлади (1-расм).



1–расм. Юқоридан тезланиш билан ҳаракатланаётган жисм оғирлигини ботиқ тасмадан ўтишида аниқлаш.

1-расмда тезланиш йўналиши эркин тушиш тезланиш йўналишига тескари бўлгани учун $P = m(g + a)$ формулага асосан, жисмнинг оғирлиги ортади. Натижада контактлар уланиб, лампочка ёнади.

Иккинчи қурилмада (2-расм) пластмасса тасманинг қавариқ сирти ишлайди. Бу ерда контактлар орасидаги масофа шундай танланадики, жисм қавариқ сиртнинг юқори нуктасида турганда унинг оғирлиги бу контактларни улайди ва лампочка ёнади. Жисм қавариқ сирт орқали тезлик билан ўтаётган вақтда марказга интилма тезланиш олади. Бу вақтда жисм тезланишининг йўналиши эркин тушиш тезланиши йўналиши билан бир хил бўлади ва $P = m(g - a)$ формулага асосан, унинг оғирлиги камаяди, натижада, контактлар уланмайди ва лампочка ёнмайди.



2–расм. Юқоридан тезланиш билан ҳаракатланаётган жисм оғирлигини қавариқ тасмадан ўтишида аниқлаш.


Физика фанининг электр бўлимига оид ностандарт лаборатория иши:

Мавзу: Тармоқда узилган симни излашни аниқлаш:

Ишнинг мақсади: Девор чуқурлигидаги “Тармоқда узилган сим”ни топишни ўрганиш.

Лабораторияга керакли жиҳозлар: транзистор МП-39Б; конденсаторлар $C_1=0,1$ мкФ, $C_2=4700$ пФ; қаршилик $R=100$ КОм; диаметри 8 мм бўлган ферромагнит ўзак; сим ўрами ПЭЛШО-0,1 мм; наушник (телефон), $R=1600$ Ом; 6 та батареяка “Юпитер М-343”, текстолит пластинка 25×100 мм²; диаметри 25 мм, узунлиги 1,5 м бўлган пластмасса труба (корпус учун).

Қурилмани ясаш тартиби: 1. Энг аввало, симни изловчи учун индуктив ғалтак ясалади. Бунинг учун картон қоғоздан ички диаметри 8 мм, узунлиги 80 мм бўлган каркас (ғалтак асоси) тайёрланади. Тайёр бўлган асосга 3100 та ўрам сим ўралади. 2. Тайёр бўлган ғалтак, транзисторлар, конденсаторлар ва қаршилик текстолит пластинкага ўрнатилади. Схема бўйича симни изловчининг товуш генератори йиғилади. Ғалтак ичига жойлашган ферромагнит ўзакни силжитиш йўли билан симни изловчи созланади (3-расм).



3-расм. Тармоқда узилган симни излаш қурилмаси.


Қурилмани ишлатиш режими: “Тармоқда узилган симни изловчи” қурилманинг сезгирлиги катта эмас, лекин унинг ёрдамида 3-5 см девор чуқурлигидаги “сим”ни топиши мумкин. “Сим” вазифасини 1-2 кг массали ферромагнит жисм (темир, чўян) ёки доимий магнитдан фойдаланиш мумкин. “Тармоқда узилган симни изловчи” ферромагнит жисмга яқинлашганда товуш генераторидаги ғалтак индуктивлиги ортади. Натижада, наушник орқали чиқаётган товуш частотаси ўзгаради ва бунда “Тармоқда узилган сим”ни топиш имконияти мавжуд бўлади.

Ўқувчида креатив фаолият тушунчасини ривожлантириш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, уни ўқувчи онгига сингдиришда назария ва амалиёт узвийлигини ифодаловчи дидактик принципларга амал қилиниши мазкур жараённи самарали амалга ошириш имконини беради. Ўқувчи физикадан бошлаган ностандарт лаборатория ишларини ниҳоясига етказиш орқали, ўз ижодкорлиги асосида янги ихтироларни амалга оширишни ўйлаб топади.

Ўқувчи бу жараёнга ижодий ёндашган ҳолда, бажарилаётган ностандарт лаборатория ишларига тегишли бўлган ўзгартиришлар киритиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш ва

самарали машғулотларни ташкил қилиш, ўқувчига бу соҳадаги имкониятларини синаб кўришга, ўзининг ижодкорлигидан фахрланиши ҳамда ўзига бўлган ишонч ҳиссининг ортишига имконият яратади.

Физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириб бориш принциплари 1-схемада изоҳланган.



1-схема. НЛИИБда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш принциплари.

Илмий изланишлар натижасида физикадан ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантиришда ностандарт лаборатория ишлари лойиҳаларини ўйлаб топиш, ўқувчи креатив фаолиятининг ижобий ўзгаришига сабаб бўлади. Мисол тариқасида кўриб чиқилган “Тезланиш билан ҳаракатланаётган жисмнинг оғирлигини аниқлаш” ва “Тармоқда узилган симни излашни аниқлаш” мавзуларига асосан ностандарт лаборатория ишларини бажариш мазмуни диссертация ишининг иловасида кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба– синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”** дейилиб, унда тажриба– синов мақсад ва вазифалари, уларнинг натижалари ва математик-статистик таҳлили келтирилди.

Тажриба-синов 2013-2020 ўқув йиллари давомида бўлиб, таъкидловчи (2012- 2013 йй.), шакллантирувчи (2014- 2017 йй.) ва яқунловчи (2018-2020 йй.) босқичларда амалга оширилган. Физикадан НЛИИБни VI - XI синфларда бажариш учун тайёрланган тарқатма, дидактик материалларни ўзлаштириш сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида физика ўқитувчилари ёрдами билан доимий равишда суҳбатлар, савол-жавоблар, сўровномалар, кузатишлар ўтказилиб борилди ҳамда ёзма-назорат ишлари олинди. Тажриба-синов ишида жами 607 нафар, яъни назорат гуруҳида 301нафар ва тажриба гуруҳида 306 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тажриба-синов иши биринчи босқичининг асосий масалалари қуйидагилар ҳисобланди: 1) ўқувчиларда физикадан НЛИБ шаклланишининг дастлабки даражасини аниқлаш; 2) ўқувчиларда физикадан НЛИБда креатив фаолиятни ривожлантиришда фикрлаш кўникмаси шаклланганлик даражасининг билимларни ўзлаштиришига таъсирини аниқлаш.

Олинган натижалар физикадан НЛИБ тизимига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритишга ёрдам берди. Тадқиқот бошида физикадан НЛИБ юзасидан тажриба – синов ўтказилди ва ўқувчиларнинг билим савиялари қуйидагича баҳоланди:

а) дастлаб тажриба ва синов синфларида ўқувчиларнинг физикадан НЛИБ бўйича ўзлаштиришлари деярли бир хил бўлди; б) дастлаб физика ўқитувчиларининг НЛИБ жараёнида билим даражалари ва иш тажрибалари деярли бир хил; в) ўқувчиларнинг физикадан НЛИБга дастлабки қизиқиш даражалари деярли бир хил.

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги 10 та умумтаълим мактабидан тажриба ва назорат синфлар белгиланди. Тажриба-синовнинг кейинги иккита босқичида тавсия этилаётган ностандарт лаборатория ишларини бажаришнинг дидактик самарадорлиги математик-статистик методдан фойдаланиб, текшириб борилди. Физикадан НЛИБ самарадорлигини текшириш учун қўшимча тажриба-синов олиб борилди. Назорат синфларида анъанавий методлардан фойдаланилди, тажриба синфларида тадқиқотчи тамонидан ишлаб чиқилган НЛИБнинг методик қўлланмалари асосида иш олиб борилди. Тажриба –синов синфларида ўқувчиларнинг билим даражалари қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилди:

1. “Аъло” баҳо-физикадан НЛИБ учун зарур бўлган тушунчаларни, қонунларни, формулаларни, қоидаларни чуқур, атрофлича таҳлил қила оладиган; математик ҳисоблашларни тўғри бажариш, натижаларни текшириш ва таҳлил қилиши.

2. “Яхши” баҳо-физикадан НЛИБда зарур бўлган тушунчаларни, қонунларни, формулаларни, қоидаларни таҳлил қилиши ва математик ҳисоблашларни баъзи камчиликлар билан бажариши, натижаларни текширишда ва таҳлил қилишда айрим нуқсонларга йўл қўйиши.

3. “Қониқарли” баҳо-физикадан НЛИБда қонунларни, формулаларни, қоидаларни, математик ҳисоблашларни камчиликлар билан бажариши ва натижаларни таҳлил қила олмаслиги.

4. “Қониқарсиз” баҳо-физикадан НЛИБда қонун ва формулаларни, қоидаларни таҳлил қила олмаслиги ва математик ҳисоблашларда тасаввурга эга эмаслиги.


Тажриба-синовнинг биринчи босқичи (2014-2017 йй.) Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 9-, 13-; Самарқанд шаҳридаги 5-, 11-; Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги 40-, 58-; ва Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 2-; 22-, Ғаллаорол туманидаги 12-, 26- умумтаълим мактабларида олиб борилди ва натижаси 1-жадвалга қайд қилинди.

2014-2017 йилларда назорат ва тажриба синфларининг шакллантирувчи босқичи натижалари.

1-жадвал


Ўқув йили	Ўқувчилар сони	Назорат/ тажриба синфлари ўқувчиларининг олган баҳолари				T _{куз}
		Аъло “5”	Яхши “4”	Қониқарли “3”	Қониқарси “2”	
2014-2015	300/305	37 / 22	165 / 166	72 / 95	27 / 23	7,3
2015-2016	302/305	38 / 21	166 / 166	72 / 94	26 / 24	7,9
2016-2017	301/306	38 / 20	163 / 161	70 / 91	29 / 28	10,6

1-жадвалдан тажриба синфлари ўқувчилари баҳолари асосида 2014-2017 йилларда тажриба синфлари ўқувчиларининг физикадан НЛИБ натижалари берилган (1- расм).



1-расм. 2014-2017 йилларда тажриба синфлари ўқувчиларининг натижалари.

1-жадвалдан назорат синфлари ўқувчилари баҳолари асосида 2014-2017 йилларда назорат синфлари ўқувчиларининг физикадан НЛИБ натижалари берилган (2- расм).



2-расм. 2014-2017 йилларда назорат синфлари ўқувчиларининг натижалари.

Тажриба-синовнинг иккинчи босқичи 2018-2020 ўқув йилларда ўтказилди. У ўргатувчи хусусиятга эга бўлиб, тажрибали ўқитиш (НЛИБга ўргатиш) олдинги педагогик тажриба-синов борасида тўпланган тажрибаларга таяниб,


олиб борилди. Физикадан НЛИБда учраган камчиликлар ҳисобга олиниб, ўқувчилар билимидаги узилишлар тузатилди. Физикадан НЛИБ тушунарли бўлиши бирма-бир текшириб кўрилди ва натижаси 2-жадвалга қайд қилинди.

2018-2020 йилларда назорат ва тажриба синфларининг якунловчи босқичи натижалари.

2-жадвал


Ўқув йили	Ўқувчилар сони	Назорат/ тажриба синфлари ўқувчиларининг олган баҳолари				T _{куз}
		Аъло “5”	Яхши “4”	Қониқарли “3”	Қониқарси “2”	
2018-2019	302/303	38 / 23	155 / 193	91 / 73	18 / 14	10,3
2019-2020	302/305	38 / 23	158 / 196	86 / 76	20 / 10	11,7

2-жадвалдан тажриба синфлари ўқувчилари баҳолари асосида 2018-2020 йилларда тажриба синфлари ўқувчиларининг физикадан НЛИБ натижалари берилган 3- расм.



3-расм. 2018-2020 йилларда тажриба синфлари ўқувчиларининг натижалари.

2-жадвалдан назорат синфлари ўқувчилари баҳолари асосида 2018-2020 йилларда назорат синфлари ўқувчиларининг физикадан НЛИБ натижалари берилган 4- расм.



4-расм. 2018-2020 йилларда назорат синфлари ўқувчиларининг натижалари.

Физикадан НЛИБ методикасининг ишонарлилик даражаси Пирсоннинг χ^2 (хи-квадрат) методи асосида тажриба-синов жараёнида синаб кўрилди.

Тажриба-синовнинг яқунловчи босқичида тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари бир-биридан тубдан фарқ қилинганлиги, тажриба синфларининг ўзлаштиришлари юқори эканлиги аниқланди. Тавсия этилаётган ностандарт лаборатория ишлари таълим концепциясида ва фан дастури мавзулари асосида НЛИБ бўйича ўз аксини топиши ёритиб берилди. НЛИБда ўқувчилар VI - XI синф дарсликлари ҳажмида физикадан билим, кўникма ва малакаларга эга деб ҳисобланди.

Тажриба-синов жараёнида физикадан НЛИБ ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари сифатини аниқлашда самарали восита эканлиги аниқланди. Тажриба-синов охирида назорат синфлари ўқувчиларининг билими, кўникма ва малакаларида физикадан НЛИБ бўйича 7 % статистик фарқ борлиги аниқланди.

Тажриба ва назорат синфларини танлаш тасодифий амалга оширилган.

1. Ҳар бир синфни танлаш бир-бирига боғлиқ эмас. 2. Ўлчаш шкаласи номланиш шкаласи ҳисобланиб, у 4 та мезонга эга: тўлиқ тўғри жавоб (ТТЖ), тўғри жавоб (ТЖ), қисман тўғри жавоб (ҚТЖ), ноаниқ жавоб (НЖ). Баҳолаш мезонларининг қийматлари диссертацияда жадвал шаклда келтирилган.

Аниқлик даражаси $\alpha = 0,05$ ва эркинлик даражалари сони $s = 4-1=3$ учун критик мезон қиймати $T_{кр.} < T_{куз.}$ бўлиб, $T_{кр.} = 7,816$ га тенг. Аниқланган фарқнинг аниқлик даражаси $\alpha = 0,05$ бўлиб, ўтказилган тажриба-синовнинг ишонарли эканлиги НЛИБни илмий хулоса қилишга асос бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий- тадқиқот иши натижаларига асосланиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олиб борилган изланишлар ва манбалар таҳлиллари, физикадан НЛИБда ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш кўникмасини шакллантириш масаласи педагогик муаммо сифатида етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди.

2. Ўқувчининг креативлиги (таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш ва бошқалар)ни бажариш жараёнида шаклланиши, аммо уларнинг кечиши махсус йўналишга эга эканлиги, белгиланган мақсаднинг ҳал этилиши, масалага боғлиқ ҳолда назарий ва амалий, репродуктив ва продуктив ҳамда кўргазмали-образли кўринишларда намоён бўлиши асосланди.

3. Тизимли ёндашувга таянган ҳолда, ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш кўникмаси 7 та компонент (мотивацион, тушунчавий, образли, амалий, тезкорлик, техника тилини билиш, рефлексив)ни ташкил этувчи

интегратив тузилмага эга эканлиги, ҳар бир компонент мазмуни ва ўзаро алоқалари аниқланди ҳамда технологик билимларни ғоялар генератори ва аксланиш принциплари асосида синтезлаш орқали мотивацион, образли, тезкорлик ва рефлексив компонентлар мазмуни такомиллаштирилди.

4. Умумтаълим мактабларда модернизациялаш шароитида мақсад, мазмун, жараён ва натижавий-баҳолаш каби компонентларни ўз ичига олган ўқувчи креатив фаолиятини ривожлантириш кўникмасини шакллантириш моделида акс этган ҳар бир компонент мазмуни очиқ берилган ва самарадорликни баҳолаш мезонлари, даражалари илмий-методик жиҳатдан асослаб берилди.

5. Мактабда физикадан НЛИБнинг ўзига хос психологик хусусиятлари аниқланди. Мактаб ўқувчиларининг физикадан НЛИБнинг илмий-методик асосларини билиш долзарб муаммолардан бири эканлигига қарамасдан, ҳозирги пайтда бу муаммога таълим жараёнида жиддий эътибор берилмаслиги аниқланди.

6. Мактабда физикадан НЛИБда ўқувчининг дастур материалларини мустаҳкам, чуқур ва пухта ўрганишига ёрдам бериши ҳамда физик тушунча, қонунларни онгли ўзлаштириши аниқланди.

7. Мактабда физикадан НЛИБда ўқув жараёнини такомиллаштириш талабларига мувофиқ бўлиши, ўқув дастурига зид бўлмаслиги ва ўқувчи креатив фаолияти ривожланиши асосланди, дарс сифати ва самарадорлиги ошганлиги олиб борилган тажриба-синов жараёнида тасдиқланди.

8. Мактабда физикадан НЛИБда ўқувчи фаоллиги, креативлиги, мустақил фикрлаши ўсганлиги аниқланди, илмий дунёқараши, абстракт тафаккури ва мантиқий мушоҳада юритиши ривожланди, энг муҳими эгаллаган назарий билимларини амалиётга қўллаб билиши, аниқроғи, ўқувчини ҳаётга тайёрлаш шаклланди.

ТАВСИЯЛАР

а) физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажариш методикасини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришда фойдаланиш;

б) физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришга доир дидактик таъминотни ва дарсликнинг янги авлодини яратишда фойдаланиш;

в) физикадан ностандарт лаборатория ишларини бажаришга оид физика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида реферат, курс иши, битирув малакавий ишини бажаришда, профессор-ўқитувчилар ўз маърузаларида фойдаланишлари.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШЕРТАЙЛАКОВ ГАЙРАТ МУРАДОВИЧ

**РАЗВИТИЕ КРЕАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩЕГОСЯ ПРИ
ВЫПОЛНЕНИИ НЕСТАНДАРТНЫХ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ ПО
ФИЗИКЕ В ШКОЛЕ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.3.Phd/Ped665.

Диссертация выполнена Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (cspi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель: **Махмудов Юсуп Ганиевич,**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эшчанов Баходир Худойберганович**
доктор физика-математических наук, доцент
Мирзахмад Курбанов
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «___»_____2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, город Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail:chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирован по № ___). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail:

Автореферат диссертация разослан «___» _____2021 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021 года).

Ж.Э.Усаров
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней д.п.н.(DSc)

Д.М.Махмудова
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.н.н.(PhD)

Р.А.Эшчанов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней д.б.н.профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке в мировом масштабе основным фактором, обеспечивающим развитие образования, признано повышение качества и эффективности обучения в образовательных учреждениях. В международной концепции образования до 2030 года, принятой ЮНЕСКО, как одной из актуальных задач определено “создание возможности получения качественного образования на протяжении всей жизни”¹. Развитие креативной деятельности учащихся в школьном физическом образовании требует использования нестандартных лабораторных работ на кружковых занятиях в связи с сокращением лабораторных часов по физике и отсутствием материально-технической базы для лабораторных работ.

В мире развитие креативной деятельности учащихся путем совершенствования мировоззрения учителей физики, разработка инновационных методов обучения для активизации учебного процесса рассматривается как одна из основных задач преподавания физики. Это включает в себя мотивацию творческой деятельности студента, диагностику и изобретение, технологическое картирование и управление, визуальное моделирование (Visual Simulation), самоактивацию, мобильность, позитивную «Мен-Концепцияси», поиск и обработку новой информации. Инструменты и принципы в процессе формирования познавательных и рефлексивных способностей, эффективного использования электронных информационных ресурсов, интегративные технические знания служат развитию навыков и компетенций.

Более широкое использование инновационно-методического подхода в системе образования, внедрение интерактивных методов обучения в учебный процесс расширяют возможности для развития творческой деятельности за счет создания модернизированного дидактического обеспечения совершенствования физического мышления учащихся.

В нашей стране осуществляется эффективная работа по определению стратегических целей и приоритетных направлений подготовки педагогических кадров, по развитию креативной деятельности учащихся через развитие сферы педагогического образования, по повышению качества подготовки учителей физики, способных мыслить по-новому, самостоятельно действовать в нестандартных профессиональных ситуациях. В частности, расширяются возможности внедрения инновационных подходов к обучению физике, мультимедийного обучения и нестандартных лабораторных работ. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи «продолжения путей дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения уровня квалификации учителей и специалистов, качества и эффективности системы образования». Реализация

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May 2015, Incheon, Republic of Korea).

этих задач предполагает совершенствование технологий развития креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике в школе на основе компетентного подхода.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе № ПУ-4947 Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ 5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, Постановлении №187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актов.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по развитию креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике в школе проводили зарубежные физики Л. Джонн (ЮНЕСКО), Р.К. Торнтон (Америка), Р.К. Хейк (Англия), Ф. Рейф (Америка), М. Сент-Джон (Америка) и Р. Брайант (Англия).

Ученые стран СНГ В.А.Фабрикант, В.Г.Разумовский, В.В.Мултановский, Э.Е.Эвенчик, Н.А.Родина, А.Б.Айнбиндер, А.В.Усова, А.И.Бугаев, С.Я. Шамаш и А.К. Кикоин проводили исследования по развитию творческой активности учащихся при обучении физике.

Учеными нашей республики Б.М.Мирзахмедовым, Ю.Г.Махмудовым, С.Махмудовой, Н.Турдиевым, М.Джораевым, Ш.М.Камолхужаевым, Г.Карлыбаевой, Ю.Пулатовым, С.К.Каххоровым, М.Курбоновым, Х.Жураевым, Н.М.Шахмаевым и др. проведены исследования по расширению методических функций физического экспериментирования, однако особенности развития креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике в школе изучены недостаточно.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Джизакского политехнического института АИФ ¼ «Касбга йўналтирилган маркази» (2018-2019 гг.).

Цель исследования - совершенствование содержания и технологий развития креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике в общеобразовательной школе.

Задачи исследования:

анализ философской, психологической, педагогической и методической литературы по развитию креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике;

совершенствование методики выполнения нестандартных лабораторных работ по физике, адаптированной к компетенции развития креативной деятельности учащихся;

создание дидактического обеспечения развития креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике;

разработка критериев оценки качества и эффективности обучения с использованием форм и средств развития креативной деятельности учащихся в нестандартных лабораторных работах по физике.

Объектом исследования является процесс развития креативной деятельности учащихся в нестандартных лабораторных работах по физике, в экспериментальной работе были задействованы 607 учащихся общеобразовательных школ Джизакской, Самаркандской и Сурхандарьинской областей.

Предмет исследования - формы, методы, средства и способы развития креативной деятельности учащихся при выполнении нестандартных лабораторных работ по физике в школе.

Методы исследования. В ходе исследования были использованы методы педагогического наблюдения, сравнительного анализа, анкетирования, теста, вопросов-ответов, эксперимента, педагогического мониторинга, изучения рекомендаций, наблюдения за уроками, интервью со студентами и учителями, а также методы математической статистики.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

усовершенствованы дидактические возможности совершенствования организационно-структурных компонентов профессиональной подготовки учителей физики (деятельностный, инновационный, выполнение нестандартных лабораторных работ) на основе придания приоритета на имитационные технологии (дебаты, тренинг, нестандартные лабораторные работы) при практико ориентированном обучении физике;

развиты компетенции по выполнению нестандартных лабораторных работ по физике в процессе формирования креативной деятельности учащихся на основе использования современных образовательных технологий, позволяющих развивать на основе физической грамотности, креативного подхода, выполнение нестандартных лабораторных работ по физике;

определены организационно-методические компоненты системно-функциональной модели развития креативной деятельности учащегося при

